



Президент Шавкат Мирзиёев 3 февраль кuni
урбанизация ва уй-жой қурилишида янги
ёндашувларни жорий этиш юзасидан тақдирот
билан танишди.

УРБАНИЗАЦИЯ ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДАГИ КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қонди-
риш мақсадида сўнгги 8 йилда мамлакатимизда
120 миллион квадрат метр ёки 600 мингдан зиёд
хонадонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.
Уй-жой сотиб олишга қўмаклашиш учун 541 минг
нафар фуқарога 103 триллион сўм арзон ипотека
кредитлари ва субсидиялар ажратилди.

Қурилиш ишларининг кўлами кенгайгани қури-
лиш материаллари sanoati ривожига катта туртки
бериб, кўплаб ҳудудларнинг "драйвери"га айланди.
Урбанизация даражаси 1991 йилдаги 40,3 фоиздан
51 фоизга етди.

Давлатимиз раҳбари қилинган ишлар ҳали етар-
ли эмаслигини кўрсатиб ўтди. Республика бўйича
ҳар йили 200 мингтага яқин янги оила ташкил топ-
моқда. Бу янги уйлар, йўллар ва ижтимоий инфра-
тузилмага талаб янада ортади дегани. Қолаверса,
ҳозирда аҳолининг бир киши бошига ўртача 18,9
квадрат метр турар жой майдони тўғри келмоқда.
Бу кўрсаткични камида 23 квадрат метрга етказиш
учун 2040 йилгача янги уй-жой қурилиши суръатини
280 мингтага ошириш лозим.

Шу мақсадда урбанизация соҳасида бошқарув
янги тизим асосида йўлга қўйилиб, алоҳида кўми-
та тузилди, унинг олдига уй-жой қуриш ҳажмларини
босқичма-босқич ошириш вазифаси қўйилди. Хусу-
сан, 2026 йилда 140 минг, 2027 йилда 150 минг ва
2028 йилда 160 минг хонадонли уй-жойлар қуриш
режалаштирилган.

Президентимиз бизнес ва стартаплар ривож
учун шароит яратиш, sanoat ва АТ кластерларини
шакллантириш, меҳнат унумдорлигини оширишда
ақл билан ташкил этилган урбанизация муҳим ўрин
тутишини таъкидлади.

Тақдиротда ер ресурсларидан самарали фой-
даланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қара-
тилди. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китоблари-
га кўра, аҳоли пунктлари тартибсиз кенгайиб бори-
ши айрим ҳудудларда келгусида экин ерларининг
танқислигига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан эскирган уй-жой фондини
янгилаш, уй-жой қурилишида реновация улушини
ошириш зарурлиги таъкидланди. Бунда реновация
ҳиссасини ҳозирги 15 фоиздан 2040 йилга қадар 60
фоизга етказиш, "Янги Ўзбекистон" массивларини
барпо этишни кенгайтириб, 120 тага етказиш зарур-
лиги қайд этилди.

Бугунги кунда қурилиш соҳасидаги рухсат олиш
жараёнлари 9 та босқичдан иборат бўлиб, ўртача
90-120 кун вақт талаб қилмоқда. Шу билан бирга,
халқаро амалиётда "қурилишга тайёр ер" механиз-
ми орқали бу ишларга кетадиган вақт 7-15 кунни
ташкил этаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда ушбу тизимни жорий этиш
таклиф қилинди. Унга кўра, барча тайёргарлик жа-
раёнлари ва рухсатномаларни расмийлаштириш
ер майдонлари аукционга қўйилишидан олдин ба-
жарилади. Натижада тадбиркор аукционда ерни
ютиб олгандан сўнг қўшимча ҳужжат йиғмасдан ва
келишувлардан ўтмасдан, барча ҳужжатларни авто-
матик тарзда олиш имконига эга бўлади. Қурилишга
тайёр бўлмаган ерларни аукционга чиқариш тақиқ-
ланади, жараёнлар эса шаффоф ва қисқа муддат-
ларда амалга оширилиши таъминланади.

Қурилиш сифати, биринчи навбатда, лойиҳа
ҳужжатларига боғлиқ, "ТошбошпланЛТИ", "Ўзша-
ҳарсозликЛТИ", "ЎзгАШКЛТИ", "Қишлоқ қурилиш
лойиҳа" ташкилотларининг фаолиятини тубдан ях-
шилаш, бунинг учун юқори малакали хорижий му-
тахассисларни жалб қилиш ва замонавий бошқарув
tizimini жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Урбанизация ва уй-жой қурилиши жараёнлари-
ни тўғри ва самарали режалаштириш учун рақамли
технологиялардан кенг фойдаланиш керак. Бу бо-
рада тақдиротда бош ва мастер режаларнинг ягона
маълумотлар базаси, қурилишга тайёр ер майдон-
лари базаси – "Ер банки", кўп квартирали уйларнинг
ягона геоахборот базаси, "эскроу" тизими, қурувчи-
лар рейтинг ва бошқалардан иборат "Уй-жой" ах-
борот тизимини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Президентимиз тақдирот этилган таклифларни
маъқуллаб, соҳада режали, ҳисоб-китобга асослан-
ган ва узоқ муддатли ёндашувларни изчил жорий
этиш, белгиланган кўрсаткичлар ижросини таъмин-
лаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқ-
лар берди.

Preziden.tuz

“ТОШКЕНТ – ЖИЗЗАХ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА 16,3 КИЛОМЕТР ПЎЛАТ ИЗЛАР ЯНГИЛАНДИ

Поездларнинг
хавфсиз, тез ва
текис ҳаракат-
ланишини
таъминлашда,
энг аввало,
инфратузилма-
нинг созлиги
муҳим аҳамият-
га эга.



ЛОКОМОТИВ ПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
бош муҳандиси Ш.Қодиров, Жамиятнинг Ҳаракат
хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати
департаменти бошлиғи А.Шарифбоев ҳамда
“Ўзбекистон” локомотив депоси раҳбари О.Махсумов
иштирокида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган
янги русумдаги локомотив кўздан кечирилди.



“ЎЗБЕКИСТОН” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА ЯНГИ ЛОКОМОТИВ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ



Ташриф давомида бош му-
ҳандис локомотивнинг техник
кўрсаткичлари, эксплуатация
имкониятлари ҳамда унда қўл-
ланилган замонавий техноло-
гик ечимлар билан яқиндан
танишди. Мутахассислар то-
мидан локомотивнинг энергия

тежамкорлиги, ҳаракат хавф-
сизлиги даражаси ҳамда тех-
ник хизмат кўрсатиш қулайлиги
юзасидан батафсил маълумот-
лар тақдирот этилди.

Қайд этилишича, ушбу янги
русумдаги локомотивлар те-
мир йўл соҳасида юк ва йўлов-

тида тайёрланиши, ишларнинг
бошланиши ва тугалланиши фи-
лиал ҳамда корхоналар раҳбар-
лари ва масъул ходимлар томо-
нидан доимий равишда назорат
қилиб борилди.

Капитал таъмирлаш ишла-
ри Тошкент темир йўл масофа-
си, 203-тажриба йўл машина
станцияси ҳамда 17-, 164-сон-
ли йўл машина станциялари
корхоналари ҳамда Тошкент
сигналлаштириш ва алоқа ма-
софаси, Тошкент электр таъ-
миноти корхоналарининг 150
нафарга яқин тажрибали мута-
хассислари томонидан амалга
оширилди.

Маълумотларга кўра, режа-
га асосан жорий йилда филиал
ҳудудидаги асосий темир йўл
участкаларида жами 35 кило-
метр пўлат излар капитал таъ-
мирланади.

Мирзо МУРОТОВ

ЭЪТИРОФ НАМУНАСИ

ТАДБИР

“ТЕМИРЎЛИНФРАТУЗИЛМА” АЖ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ



“Темирўлинфратузилма”

акциядорлик жамияти кор-
рупцияга қарши курашиш
менежмент тизими бўйича О'з
DSt ISO 37001:2019 ҳамда ISO
37001:2016 халқаро стандарт-
лар талабларига мувофиқлиги
тасдиқланиб, тегишли серти-
фикатларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти томонидан 2025 йилнинг 5
март куни ўтказилган Коррупцияга
қарши курашиш миллий кенгаши-
нинг кенгайтирилган йиғилишида
барча масъул ташкилот ва идора-
лар зиммасига муҳим вазифалар
юклатилди. Давлатимиз раҳбари ўз
нутқида: “Коррупция шундай ёвуз
иллатки, у халқнинг давлатга, Конс-
титутция ва қонунларга ишончига
путур етказди, барқарор ривож-
ланиш ва хавфсизлик учун жиддий
таҳдидга айланади”, – дея таъкид-
лади.

Мамлакатимизда коррупцияга
қарши курашиш борасида олиб бо-



рилаётган кенг қамровли ислохот-
лар янги босқичга кўтарилмоқда.
Давлат бошқарувида шаффофлик,
холислик ва масъулиятни таъмин-
лаш мақсадида иқтисодийнинг
барча соҳаларида халқаро стан-
дартларга мос бошқарув тизимла-
ри жорий этилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, “Темирў-
линфратузилма” акциядорлик
жамиятида ҳам коррупцияга қар-
ши самарали бошқарув тизимини
шакллантириш мақсадида нуфузли
халқаро стандартлар – О'з DSt ISO
37001:2019 ҳамда ISO 37001:2016
талаблари асосида ишлар амалга
оширилди.

Жорий йилнинг 29 январь куни
жамиятда мазкур сертификатларни
топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тизимни жорий этиш

доирасида:

ички меъёрий ҳужжатлар ва
назорат механизмлари халқаро та-
лаблар асосида қайта кўриб чиқил-
ди;

коррупцияга олиб келувчи хавф-
хатарлар чуқур таҳлил қилиниб,
уларнинг олдини олиш чоралари
белгиланди;

контрагентлар фаолияти ўр-
ганилиб, манфаатлар тўқнашуви
реестри юритила бошланди;

ҳодимлар томонидан даромад
ва манфаатлар декларациялари-
ни топшириш йўлга қўйилди ҳам-
да уларнинг билим ва малакасини
ошириш мақсадида мунтазам ўқув
машғулоти ташкил этилди.

ISO 37001:2016 стандарти кор-
рупцияга қарши бошқарув тизими-
ни жорий этиш, амалга ошириш,

мониторинг қилиш ва такомиллаш-
тириш бўйича халқаро талабларни
белгилайди. ISO 37001:2019 эса
порахўрликка қарши бошқарув ти-
зимига қўйиладиган талабларни ўз
ичига олган бўлиб, ташкилотлар-
га порахўрликнинг олдини олиш,
аниқлаш ва унга муносиб чоралар
кўришда ёрдам беради.

Мазкур сертификатлар жамият-
нинг коррупцияга нисбатан мутлақо
мурсасиз позициясини тасдиқлаб,
хорижий инвесторлар ва бизнес
ҳамкорлар ишончини янада мус-
таҳкамлашга хизмат қилади. Шу-
нингдек, улар жамиятнинг инвести-
циявий жозибадорлигини ошириш,
халқаро ҳамкорликни кенгайтириш
ва глобал бозорда рақобатбардош-
лигини таъминлашда муҳим аҳа-
мият касб этади.

ИЖТИМОЙ СОҶА

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига асосан “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият тури-
ни эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч
қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ
олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”.

КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙўНАЛИШИДА ТИЗИМЛИ ВА САМАРАЛИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШМОҚДА

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли
қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида
амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги
хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қоби-
лияти сақланишини таъминлашга қаратилган
ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий,
санитария-гигиена ва даволаш-профилактика
тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан
иборатлиги қонунда аниқ ифодаланган.

Ушбу йўналишда “Термиз минтақавий те-
мир йўл узели” филиали Худудий касаба уюш-
ма кўмитаси томонидан бир мунча ижобий
ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Худудий каса-
ба уюшма Ижроия кўмитаси йиғилишларида
меҳнат муҳофазаси масалалари режа асоси-
да доимий муҳокама этилиб, тегишли қарор-
лар қабул қилинмоқда.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга

доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар-
га риоя этилиши устидан жамоатчилик назо-
ратини меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси
ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича касаба уюшмаси ташкилоти
умумий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли
билан сайланган 248 нафар вакил томонидан
амалга оширилиб келинмоқда.

Меҳнат жамоаларида меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган
вакиллар томонидан иш жойларида меҳнат
муҳофазасининг аҳволини монеликсиз текши-
риш йўлга қўйилган бўлиб, натижада 2025 йил
якунига кўра 661 та камчилик аниқланган.

Аниқланган камчиликлар корхона ва таш-
килот раҳбарлари ҳамда тегишли мутахассис-
лар иштирокида муҳокама этилиб, ўз жойида
бартараф қилинди. Шу ўринда таъкидлаш ло-
зимки, “Термиз минтақавий темир йўл узели”
филиали ва Худудий касаба уюшма кўмитаси
ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жа-
моа шартномасига асосан корхона ва ташки-
лотларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга
ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада
иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб
берилиши ва ўртача иш ҳақи тўланиши йўлга
қўйилган. Келгусида ҳам касаба уюшма таш-
килотлари меҳнатни муҳофаза қилиш йўнали-
шида тизимли ва самарали ишларни давом
эттирадилар.

К.КАРИМОВ,
“Термиз минтақавий темир йўл узели”
филиали Худудий касаба уюшма
кўмитаси раиси



ЛОКОМОТИВ ХўЖАЛИГИ: АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Темирўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви
раиси С.Норқабиллов бошчилигида жамиятнинг масъул раҳбар
ва мутахассислари иштирокида Локомотив хўжалиги бошқарма-
сининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари ҳамда 2026 йилга
мўлжалланган ўстувор вазифалар ва рақамли ташаббуслар юза-
сидан тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди.



Тақдимот давомида 2025 йил якунлари бўйича локомотивлар пар-
кининг техник ҳолатини яхшилаш, уларни режали таъмирлаш ва сервис
хизматларини сифатли ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъмин-
лаш ҳамда эксплуатация самарадорлигини ошириш борасида амалга
оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, локомотив
хўжалиги объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва
ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш бўйича эришилган
натижалар қайд этилди.



Шу билан бирга 2026 йил учун белгиланган ўстувор йўналишлар
доирасида локомотив паркни босқичма-босқич янгилаш, энергия те-
жамкор ва замонавий локомотивлардан фойдаланишни кенгайтириш,
техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларига рақамли техноло-
гияларни жорий этиш, шунингдек, автоматлаштирилган мониторинг ва
бошқарув тизимларини ривожлантириш бўйича режа ва ташаббуслар
тақдим этилди.



Йиғилиш якунида бошқарув раиси С.Норқабиллов томонидан 2026
йилги вазифалар юзасидан аниқ топшириқлар берилиб, масъул ходим-
ларга белгиланган режаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш,
рақамли ечимлардан самарали фойдаланиш орқали локомотивлар
ишончилиги ва темир йўл ҳаракати хавфсизлигини янада мустаҳ-
камлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.





ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЎҚУВ СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомлар-



ни тасдиқлаш тўғрисида”ги 819-сонли қарорини ишлаб чиқаришда татбиқ этиш ва меҳнатни муҳофаза қилишни такомиллаштириш бўйича “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси А.Палимбетов бошчилигида 279-сонли йўл машина станциясида ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Семинарда меҳнат муҳофазаси бўйича қилинаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва тақлифлар ўрганилиб чиқилди.

ТЕМИР ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ
ЎРГАНИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан тасдиқланган 1-Н-сонли “Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш, ишчи-ходимлар билан суҳбатлашиш, корхонада олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш мақсадида “Қарши” вагон эксплуатацияси участкаси филиалининг Қарши жорий таъмирлаш бўлини маси ҳамда Автотехникаларга техник хизмат кўрсатиш бўлини масида ўрганишлар олиб борилди.



Жойларда темир йўл инфратузилмаси объектларининг ҳолатини ўрганиш мақсадида маъмурий бинолар, омборхоналар, ходимларнинг малакасини оширишга мўлжалланган ўқув ва машғулот хоналари, шунингдек, маҳсулотлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи бўлинмалар батафсил кўздан кечирилди.



Текширув жараёнида темир йўл тизими узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлашда муҳим бўлган меҳнат шaroитлари, ишчи-ходимлар учун яратилган қулайликлар, жумладан, овқатланиш ҳамда дам олиш хоналарининг ҳолати, уларнинг санитария-ҳигиена талабларига мувофиқлиги ҳам алоҳида ўрганилди.

Шунингдек, мавжуд инфратузилманинг техник ҳолати, иш жараёнларини самарали ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ходимлар учун хавфсиз ва қулай иш муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўриқ давомида аниқланган камчиликлар бўйича тегишли кўрсатмалар берилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

ПИЁДАЛАР ВА ПОЕЗДЛАР
ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ
ТАЪМИНЛАНМОҚДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2025 йил 21 апрелдаги “Янгийўл” – “Пахта” темир йўл станциялари оралиғининг 3400-километрдаги ПК-8 да пиёдалар ўтиш кўпригини қуриш тўғрисида”ги



182-Н-сонли буйруғи ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Ўтган ҳафта тажрибали мутахассислар замонавий оғир техникалардан фойдаланган ҳолда, “Янгийўл” – “Пахта” станциялари оралиғининг 3400-километр ПК-8 да пиёдалар ўтиш кўпригида узунлиги 21 метрлик 2 та конструктив шаклдаги темир-бетон тўсинларни монтаж қилдилар.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ мазкур қурилиш майдонида бўлиб, белгиланган “окно” пайтида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий риоя қилиб, темир-бетон тўсинларни монтаж қилиш жараёнига ҳамда иш сифатига алоҳида эътибор қаратиш борасида тегишли кўрсатмалар берди.

“ҚАРШИ” – “ОҚРАБОТ” ТЕМИР
ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА НАВБАТДАГИ
НАЗОРАТ ТАДБИРИ

“Қарши” – “Оқработ” темир йўл участкасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўловчи поездлари ҳаракатини доимий назоратда ушлаш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Т.Хамраев ҳамда тегишли ходимлар иштирокида навбатдаги назорат тадбири ўтказилди.



Назорат жараёнида мазкур участкада ҳаракатланаётган поезднинг техник ҳолати, ҳаракат жадвалига риоя этилиши, сигнализация ва алоқа тизимларининг ишлаш ҳолати, шунингдек, поезд ҳаракати билан боғлиқ технологик жараёнларнинг тўғри бажарилиши атрофлича ўрганилди. Тоғли ҳудудларда кузатилаётган қор ёғиши шароитида поездлар ҳаракатини хавфсиз ташкил этиш, йўл ва иншоотларнинг ҳолати ҳамда об-ҳаво билан боғлиқ хавф омилларига алоҳида эътибор қаратилди.



Шунингдек, поезд бригадалари ҳамда тегишли хизмат ходимларининг хизмат интизоми, меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинди.

Текширув якунида аниқланган камчиликлар юзасидан масъул раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилиб, қиш мавсумида, хусусан тоғли ҳудудларда поездлар ҳаракатини узлуксиз ва хавфсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ
ТАЛАБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИ
КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, технологик жараёнлар ижросини мустаҳкамлаш ҳамда ишчи-ходимлар фаолиятини ўрганиш мақсадида

“Китоб” ва “Танхоз” станцияларида навбатдаги назорат текшируви ташкил этилди.

Назорат тадбири давомида станцияларда олиб борилаётган ишлар, ишлаб чиқариш жараёнларининг белгиланган меъёр ва талаблар асосида ташкил этилгани, шунингдек, хавфсизлик қоидаларига риоя этилиш ҳолати атрофлича ўрганилди. Хусусан, “Танхоз вагонларни юк ортишга тайёрлаш” бўлинмаси фаолияти, вагонларнинг техник ҳолати, юклаш жараёнига тайёргарлик даражаси ҳамда меҳнат муҳофазаси талабларига амал қилиниши кўздан кечирилди.



Шунингдек, станцияларда техник ҳужжатларнинг белгиланган тартибда юритилиши, станция навбатчиларининг иш фаолияти, электр қурилмаларининг созлиги ва эстетик ҳолати, алоқа ҳамда сигнализация воситаларининг ишлаш даражаси текширилди. Маъмурий бинолар, ишчи-ходимлар учун мўлжалланган дам олиш, ювиниш ва ўқув-машғулот хоналари ҳам кўздан кечирилиб, уларнинг санитария-ҳигиена ҳолати ҳамда қулайлик даражаси ўрганилди.

Бундан ташқари, станцияларда қозонхона ускуналарининг техник созлиги, иссиқлик тизимларининг узлуксиз ишлаши, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳолати батафсил ўрганилди.

Текширув жараёнида аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан масъул ходимларга тегишли кўрсатмалар берилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ
БЎЛИБ ЎТДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 1255-Н-сонли буйруғи ижросини таъминлаш ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва темир йўл транспортидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи ўринбосари Ш.Қодиров, “Темирйўлкарго” акциядорлик жамиятининг “Термиз” филиали бошлиғи Б.Бозоров ҳамда тегишли масъуллар билан биргаликда “Замин турон цемент” масъулияти чекланган жамиятида бўлишди.



“Замин турон цемент” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш билан бир қаторда 2026 йилда темир йўлда юк ташиш ишларини амалга оширишда режалар келишиб олинди. Юк ортишда юзага келаётган муаммолар ҳамда тақлифлар тингланди, бажарилиши бўйича тегишли чора-тадбир белгиланиб, масъул ходимларга топшириқлар берилди.

ЙЎЛ БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИДА
КИБЕР ЖИНОЯТЧИЛИКНИ
ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА СЕМИНАР
ЎТКАЗИЛДИ

Миробод туман ИИБ фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни олдини олиш бўлими ходимлари Бекзод Қурбонов ҳамда капитан Бехзод Аминов томонидан кибер хавфсизликка бағишланган профилактик суҳбат ўтказилди.

Тадбир давомида “Кибер фирибгарлик ва кибер жиноятчиликни олдини олиш” мавзусида маъруза ўқиб берилди. Суҳбатда интернет орқали содир этилаётган фирибгарлик турлари, шахсий маълумотларни химоялаш ҳамда шубҳали ҳавола ва сохта хабарлардан эҳтиёт бўлиш бўйича муҳим тавсиялар берилди.

Шунингдек, кибер жиноятларни олдини олишда фуқароларнинг онли муносабати ва ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш муҳимлиги таъкидланди.



ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ТЕМИР
ЙЎЛ МАЪМУРИЯТЛАРИ ЎРТАСИДА
УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Тожикистон Республикасининг “Душанбе” темир йўл станциясида Ўзбекистон ва Тожикистон темир йўл маъмуриятлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган учрашув ташкил этилди.



Унда “Темирйўлнфратузилма” акциядорлик жамияти “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ғ.Мамадалиев ҳамда “Роҳи Оҳани Тожикистон” давлат унитар корхонаси раҳбарияти бошчилигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Музокаралар давомида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги юк ташишлар ҳажмини ошириш, чегара станцияларида вагонларни топшириш ва қабул қилиш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, юк ташиш жараёнида юзага келаётган долзарб масалаларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.



Томонлар ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳамда икки давлат темир йўл ўтказиш пунктлари орқали ҳар куни 6 жуфтдан ортик юк поездларини қабул қилиш ва топширишни таъминлаш бўйича келишувга эришилди.

Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзаро келишувлар тасдиқланди.



НА РАЗВИТИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ
ИНФРАСТРУКТУРЫ ЧЕХИИ ВЫДЕЛЕНО
ОКОЛО 3 МЛРД ЕВРО

В 2026 г. из Государственного фонда транспортной инфраструктуры Чехии на развитие железнодорожного транспорта выделено 72,2 млрд чеш. крон (около 3 млрд евро), что для этой страны является рекордной величиной. В том числе 20 млрд крон будет потрачено на ремонт и содержание пути, около 31 млн евро (750 млн крон) пойдет на повышение безопасности на железнодорожных переездах.



Весной 2026 г. стартует строительство 15 километрового участка от пражского района Рузине до Кладно. Это самый протяженный участок в рамках проекта модернизации линии Прага – Кладно с ответвлением к аэропорту имени Вацлава Гавела. В основном этот участок пройдет по новой трассе. Благодаря спрямлению участков и проведению электрификации линии поезда смогут развивать скорость до 145 км/ч.

Запланирована модернизация участка от Пльзени через Ниржани до Хотешова, который станет частью современной линии, соединяющей Западную Богемию и Баварию. Также начнется запланированная реконструкция железнодорожного узла в Остраве.

Предусматривается и реконструкция загруженного участка Колин – Кутна Гора с устранением одноуровневого пересечения основного коридора Прага – Моравия с линиями в направлении Гавличкув-Брода. Начнутся работы по модернизации и электрификации линии от Ниржани до Германовой Гути. Также будет обустроена контактная сеть на участке от Рудольнице до Ланшкроуна.

По материалам интернета

САЁХАТ ҚИЛИНГ!

ТУРИСТИК ШАРҚИЙ ЭКСПРЕСС:
ЭРТАКНАМО ОНАДЎЛИ САЁХАТИ

Бугунги кунда дунё миқёсида поезд саёхатлариға бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ана шундай машҳур йўналишлардан бири – Туркиянинг Туристик Шарқий Экспресси орқали Анкара ва Карс шаҳарлари ўртасида амалга оширилган сафардир. Ушбу саёхат оппоқ қорла қопланган Онадўли текисликлари ва тоғларининг бетакор манзаралари билан йўловчиларни мафтун этади. Ностальгия, манзарали йўл ва барқарор туризм ғояларини ўзида мужассам этган Туристик Шарқий Экспресс дунёдаги энг ҳайратланарли поезд саёхатларидан бири сифатида эътироф этилди.

ТУРКИЯНИНГ ЭНГ МАШҲУР ТЕМИР ЙЎЛ
САЁХАТИ

Рельсларнинг оҳанги, қулай ётоқли кабиналар, оппоқ қорға бурканган манзаралар ва жозибали бекатлар Шарқий Экспрессни оддий поезд сафаридан кўра кўпроқ – гўё Онадўли бағрида жонланадиган эртатка айлантиради. Анкара ва Карс ўртасида қатнов ҳар икки йўналишда амалга оширилса-да, пойтахтдан Карс томон йўл оладиган маршрут ўзининг драматик ва жозибали манзаралари сабаб ҳануз энг кўп танланадиган йўналиш бўлиб қолмоқда.

Анкарадан йўлга чиққан поезд Кириккале, Кайсери, Сивас, Эрзинжан ва Эрзурум шаҳарлари орқали Карсга етиб боради. Қайтиш сафариди эса Илич, Дивриғи ва Сивас бекатларида тўхтаб, йўловчиларга ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатиға киритилган обидалар билан бир қаторда кўплаб ноёб табиий ва тарихий масканларни кашф этиш имконини беради.

ЭНГ СЕҲРЛИ ҚИШКИ МАНЗИЛ – КАРС

Манзарали темир йўл саёхати Карс шаҳрида ниҳоясига етади. Қадимий тарих, қишки манзаралар ва миллий таомлари билан машҳур бўлган Карс Онадўлининг энг қадимги аҳоли масканларидан бири саналади. Шаҳарнинг ўзига хос меъморий қиёфаси ва асрлар оша сақланиб келган қадимий обидалари бой ва жонли тарихий муҳитни намоён этади.

Шаҳардан қисқа масофада ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатиға киритилган Ани қадимий шаҳри жойлашган. Бир вақтлар ўрта асрларнинг йирик метрополиси бўлган ва “1001 та черков шаҳри” номи билан танилган Ани хилма-хил черковлари, ҳаммомлари, илк давр масжидлари ҳамда салобатли мудофаа деворлари каби ранг-баранг тарихий мероси билан сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

Карснинг табиий гўзалликлари кўзни қамаштиради. Сариқамишда биллурдек қорда чанги учиб ва бетакор манзаралар кўйнида чанада сайр қилиш мумкин. Карс-Ардахан чегарасида жойлашган Чилдир кўлининг қишда музлаган юзаси нақ мўъжизанинг ўзгинаси. Бу ерда от чаналарида муз устида сузаётган сайёҳлар билан бир пайтда балиқчиларнинг қалин музни ёриб, балиқ овлаётганини кўриш мумкин – ушбу ёрқин манзара худуднинг энг машҳур қишки рамзига айланган.



Карснинг унутилмас тажрибаларидан яна бири бу кечки таом тадбирларидир. Бу тадбирларда анъанавий ошпёк айтишуви, Кавказ халқ рақслари ҳамда ғоз гўшти, Карс пишлоғи ва Шарқий Онадўлиға хос таомлардан иборат пухта меню орқали шаҳарнинг асл руҳини ҳис этиш мумкин. Пишлоқ, грюйер, асал, ғоз гўшти ва чучвара каби таомларға бой Карс гастрономияси Богатепе қишлоғидаги Пишлоқ музейида янада яққол намоён бўлади. Бу ерда худудға хос пишлоқ тайёрлаш анъаналари билан танишиб, турли маҳаллий пишлоқлардан татиб кўриш ўзгача завқ бағишлайди.

Туристик Шарқий Экспресс ҳафтасига уч марта ҳар икки шаҳардан қатнайди, чипталар эса онлайн тарзда мавжуд. Ётоқли қулай кабиналар, шинам муҳит, кабиналарни чироқ ва безаклар билан безаш имконияти, музлатгич ҳамда ресторан вағони сафарни янада мароқли ва қулай қилади. Шу боис Туристик Шарқий Экспресс нафақат манзилға етиб бориш воситаси, балки унутилмас саёхат тажрибаси сифатида қадрланади.

ТАЪЗИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ахборот-таҳлилий медиа маркази раҳбарияти ва жамоаси марказ фотомухбири Ёқубжон Муротовға отаси

ҲАМДАМ ОТА МУРОДОВНИНГ

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бу галги
меҳмонимиз
“O‘zbekiston-24” теле-
каналининг “Ахборот-24”,
“Studiya 24” теледастурла-
рининг маҳоратли теле-
бошловчиси Зебо
Тўхтаева.

У 1981 йил 20 сентябрда Тожикистон Республикасида туғилган. Болалик йиллари Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ўтган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунослик йўналишини тамомлаган. Илк ижодий фаолиятини “Madaniyat va ma'rifat” телеканалида бошлаган. “Бугуннинг гапи” ҳамда мода, кийиниш маданиятиға бағишланган “Урф ва удум” кўрсатувлари орқали телебошловчи сифатида танилган. Кейинчалик “Ахборот” дастурида ҳам фаолият юритган. Телебошловчилик билан бир қаторда муҳаррир ва журналист сифатида ҳам ишлайди. 2018 йил “Эҳтиром” мукофоти, 2022 йил “Шуҳрат” медали ҳамда “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони соҳиб. Оилали, турмуш ўртоғи актёр Хуршид Тўхтаев. Ҳозирда уларнинг икки нафар фарзанди бор.

– Бу касбни танлашингизга нима туртки бўлган?

– Бу касбни танлашимга, аввало, телевидениеға бўлган қизиқишим туртки бўлган. Болалигимда телевидениеда намоиш этиладиган ҳар бир кўрсатувни, айниқса, суҳандонлар чиқишини қизиқиб томоша қилардим. Санъат муҳитида ўсганман, адабиёт ва санъатға меҳрим орқали шу соҳаға кириб келганман. Спектакль ва кино томоша қилишнинг жуда яхши кўрадим. Мактаб даврида ўтказиладиган тадбирларда бошловчилик қилар, турли ролларни ижро этардим. Болаликдаги орзу ва ҳавасларим бугунги касбимға етаклади.

– Сиз учун касбий этика қай даражада муҳим?

– Касбий этика ҳар бир соҳада муҳим ҳисобланади. Ҳар бир касбнинг ўз одоб-ахлоқ қоидалари бор ва уларға риоя қилиш шарт. Айниқса, журналистлар жамоатчилиги, халқ билан бевосита мулоқотда бўладиган шахслар экан, касб этикасига амал қилиш жуда аҳамиятли. Афсуски, бугунги кунда айрим ҳолларда касбий этикаға етарлича риоя этилмаётганини кўраётимиз. Шу боис соҳаға кириб келаётган ёшлардан касб этикасини ўрганишлари ва унга амал қилишларини истардим. Зеро, инсоннинг одоби ва ахлоқи

ЗЕБО ТЎХТАЕВА:

“ҲАР БИР КАСБНИНГ
ЎЗ ОДОБ-АХЛОҚ
ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ
ҚИЛИШ ЛОЗИМ!”

чиرويلى бўлса, у касбида ҳам, оиласида ҳам ўзини муносиб тутати. Тарбия, энг аввало, ахлоқ ва одобдан бошланади.

– Фаолиятингизда очиқлик ва жамоатчилик билан алоқаларни қандай баҳолайсиз?

– Бугунги кунда юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалариға берилаётган эътибор юқори даражада. Айниқса, матбуот хизматлари фаолияти тизимли ва самарали йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин. Жамоатчилик билан алоқалар ҳозирги даврда алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналиш давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, Президент томонидан берилаётган доимий эътибор орқали яққол намоён бўлмоқда.

– Сизнингча, бугун соҳаға журналистлар етарлича чуқур қира олаётими?

– Менимча, журналистлар соҳаға чуқур киришға ҳаракат қилипти, аммо бу жараён ҳали тўлиқ етарли даражада эмас. Бугун ахборот тезлиги жуда юқори, янгиллики биринчи



бўлиб бериш талаби мавжуд. Лекин таҳлил қилиш, сабаб-оқибатларни очиш, соҳа ичига чуқур кириш учун ҳар доим ҳам вақт ва имконият етишмайди. Шу сабаб айрим материаллар юзаки хабар даражасида қолиб кетмоқда. Манбалар билан ишлаш маданияти аста-секин яхшиланаяпти. Масалан, иқтисод мавзусида ёзилган материалларда рақамлар ва терминларни ҳис қилиш, расмий ахборот билан чекланиб қолмасдан, мустақил манбалар ва эксперт қўлларига таяниш муҳим. Журналист “хабарни айтдим” деган ёндашувдан кўра, “мазмунини қилим” деган тамойилға амал қилиш керак. Ҳозирча сифатли таҳлиллар камлик қилипти, айрим ҳолларда мавзулар бир томонлама ёритилмоқда. Бу эса вақт, тажриба ва таҳририятларда чуқур журналистикаға бўлган талаб ошиши билан яхшиланади, деб ўйлайман.

– Фарзанд тарбиясида нима муҳим деб ҳисоблайсиз?

– Фарзанд тарбиясида, аввало, муҳаббат ва эътибор

муҳим. Бола севирилганини ҳис қилиши шарт. Қўпол танбеҳ-оқибатларни очиш, соҳа ичига чуқур кириш учун ҳар доим ҳам вақт ва имконият етишмайди. Шу сабаб айрим материаллар юзаки хабар даражасида қолиб кетмоқда. Манбалар билан ишлаш маданияти аста-секин яхшиланаяпти. Масалан, иқтисод мавзусида ёзилган материалларда рақамлар ва терминларни ҳис қилиш, расмий ахборот билан чекланиб қолмасдан, мустақил манбалар ва эксперт қўлларига таяниш муҳим. Журналист “хабарни айтдим” деган ёндашувдан кўра, “мазмунини қилим” деган тамойилға амал қилиш керак. Ҳозирча сифатли таҳлиллар камлик қилипти, айрим ҳолларда мавзулар бир томонлама ёритилмоқда. Бу эса вақт, тажриба ва таҳририятларда чуқур журналистикаға бўлган талаб ошиши билан яхшиланади, деб ўйлайман.



масаласидир”. Ана шу тамойилларға таянган ҳолда, фарзандларимизни турмуш ўртоғим билан бирға тарбиялашға ҳаракат қиламиз.

– Санъаткорнинг турмуш ўртоғи бўлиш осонми ёки ўзига яраша масъулият борми? Оилада ким раҳмчи?

– Мен ўз тақдиримдан розиман. Мени тушунадиган, севиб-ардоқлайдиган турмуш ўртоғим бор. Албатта, журналист аёл учун ҳамма нарса осон эмас: баъзан ишхонада кечгача қолиш, хизмат сафарларига чиқишға тўғри келади. Лекин мен учун санъаткор билан яшаш қийин эмас, чунки ўзим санъат муҳитида ўсганман. Рашк масаласига келсак, энг муҳими, ўзаро тушуниш ва ишонч. Агар ҳурмат бўлса, рашк ҳам ўз меъёриға тушади. Биз доимо бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Энг биринчи танқидчим ҳам, маслаҳатчим ҳам турмуш ўртоғим. Санъаткорнинг рафиқаси бўлиш икки қарра масъулият, аммо чин муҳаббат бўлса, барчаси ўз ўрнида гўзал ҳаётға айланади.

– Темир йўлдан фойдаланиб турасизми? Охириги марта қачон поездға чиққансиз?

– Албатта, темир йўл хизматларидан мунтазам фойдаланаман. Касб тақозоси билан хизмат сафарларига поездда боришимизға тўғри келади. Умуман, темир йўл соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳоли ва сайёҳлар учун жуда қатта қулайликлар яратилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, темирйўлчиларға кўрсатаётган хизматлари учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Янги поездлар, янги вагонлар – буларнинг барчаси халқ учун яратилаётган қулайликлардир. Охириги марта ўтган йилнинг сентябрь ойида поездға чиққан эканман.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатға
олинган.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-234

Босишға топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200